

# UZA

O‘zbekiston  
Milliy axborot  
agentligi

**O‘zbekiston Milliy axborot agentligi  
O‘zA Ilm-fan bo‘limi**

Elektron jurnal  
2022 yil iyul soni №7 (33)

Toshkent-2022

# **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр  
2022 йил июл ойи сони №7 (33)**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартағи 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилемайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ғораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

## **Тахрир кенгаши**

А.Кўчимов  
А.Аскаров  
Д.Ю.Юсупова  
А.Х.Саидов  
Т.Ў.Арипова  
Қ.Р.Аллаев  
С.М.Туробжонов  
Ш.Т.Қудратхўжа  
Н.А.Хусанов

Қ.Ш.Омонов  
А.С.Сагдуллаев  
С.С.Ғуломов  
Ф.Г.Назиров  
Р.Д.Курбанов  
М.Ҳ.Рустамбоев  
Н.М.Маҳмудов  
И.С.Саифназаров  
Н.Х.Обломуродов  
Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

## СЎЗЛАРО ДАРАЖАЛАНИШ ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРИДА ЛУҒАТ БЕЛГИЛАРИ ТИЗИМИ

**Қахрамон ЭШБОЕВ**

Стажёр-тадқикотчи

Алишер Навоий номидаги  
ўзбек тили ва адабиёти университети

Ташкент, Ўзбекистон  
eshboyev2020@gmail.com

### Аннотация

Мақолада сўзлараро даражаланиш ўқув лугатлари учун лугат белгиларини танлаш ва белгилар тизимини шакллантириш масалалари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** лугат, лугат макола, лексикографик белги, белгилар тизими, грамматик белги, услубий белги.

## СИСТЕМА ЛЕКСИЧЕСКИХ ЗНАКОВ В МЕЖГЛАВНЫХ ОЦЕНКАХ ОБУЧАЮЩИХ СЛОВАРЕЙ

**Қахрамон ЭШБОЕВ**

стажер-исследователь

Университет узбекского языка и литературы  
имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан  
eshboyev2020@gmail.com

### Аннотация

В данной статье оценка слов посвящена подбору словарных символов для учебной лексики и формированию системы символов.

**Ключевые слова:** словарь, словарная статья, лексикографический знак, знаковая система, грамматический знак, стилистический знак.

Сарлавҳали бирликларни тавсифлашда [1;110].  
лексикографик (лугавий) белгилар мухим роль ўйнайди. Белги – лугатнинг кириш кисмида (одатда кискартирилган сўз ёки сўз бирикмаси шаклида) кўлланиб, унинг ёрдамида ўқувчиларга тегишли лингвистик бирлик (ёки лингвистик ходиса)нинг муайян тўпламга кишини англатади

Хар бир лексикографик белги бир ёки ўзга лугат доирасининг бошқасига нисбатан ўзига хос хусусиятларини билдиради.

Лексикографияда ишлатиладиган белгилар орасида:

1) грамматик (ўтимли, ўтимсиз, киска,

тўлик шакл);

2)лексик (одам ҳакида, транспорт ҳакида ва ҳоказо);

3)семантик (таржима ва бошқалар);

4)функционал-стилистик, шу жумладан, терминологик (газета, расмий, маҳсус, кимёвий, физик ва бошқалар);

5)стилистик (сўзлашув, оддий, юкори ва бошқалар);

6)хиссий ифодали (истехзо билан, ҳазиллашувчи, маъқулламайдиган, камситадиган, хурмат қиласидиган ва ҳоказо);

7)хронологик (эскирган, тарихий, янги ва бошқалар);

8)статистик (камёб, одатда, кам ишлатадиган ва ҳоказо);

9)тақиқловчи (ишлатилмайдиган ва ҳоказо);

10) чекловчи(фақат рухсат этилган ва ҳоказо) ва бошқалар.

Сўнгги йилларда кўпгина лексикографик асарлар ходисалар, жараёнлар, объектлар ҳакидаги энциклопедик маълумотномалар билан тўлдириб борилмокда. Бу анъана энг яхши инглиз ва француз лексикография намуналари – Оксфорд луғатлари ва Ларус, Робер луғатлари томонидан амалга оширилмокда.

Луғатда энциклопедик маълумотномаларни қўшиш тўлик мантикий операция сифатида кабул килинади ва луғатнинг ихчамлигини таъминлайди. Лексикографияда маълумотнома сўз ёки сўз биримаси сифатида тўлик ёки кисқартирилган шаклда тушунилади (масалан, қарант, ҳудди шундай ва ҳоказо), унинг ёрдамида маълум луғат элементлари, одатда сарлавҳа бирликлари ўртасида боғланиш ўрнатилади [1;110-111].

Ҳозирги ўзбек адабий тилида муайян сабабларга кўра қўлланниш доираси чекланган сўз ва ибораларни, уларнинг айрим маъноларини характерлаш учун маҳсус стилистик белгилар системаси қабул қилинган бўлиб, бу белгилар айрим сўзлар, иборалар ёки маъноларнинг қўлланилиши

доирасини, қандай лексик қатламга хослигини, уларнинг жанрий-услубий ва экспрессив-эмоционал хусусиятларини кўрсатади.

Градуонимик луғатларда луғат белгиларидан фойдаланиш ундан фойдаланиш самарасини оширади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ) да луғат белгиларининг изоҳланишида услубий белги ва ишоралардан фойдаланилган бўлиб, грамматик белгининг кисқартмалари куйидагича келтирилган: бирг. н. (биргалик нисбати), бирл. (бирлик сон), боғл. (боғловчи), взф. (вазифасида), куч. (кучайтирма шакл), кичр. (кичрайтиш шакли), кўм. (кўмакчи), кўпл. (кўплик сон), мажх. н. (мажхул нисбат), мод. с. (модал сўз), олм. (олмош), орт. н. (орттирма нисбат), рвдш. (равишдош), рвш. (равиш), сфдш. (сифатдош), сфт. (сифат), тақл. с. (тақлидий сўз), унд. с. (ундов сўз). фл. (феъл), эркл. (эркалаш шакли), юкл. (юклама), ўзл. н. (ўзлик нисбат), хар. н. (харакат номи) [2;10] кабилар.

Луғатлар учун энг кўп қўлланадиган белгилардан бири бу – услубий белги. “Услубий белги” деганда, “услубий” сўзи кенгроқ маънода бўлиб, яъни грамматик белгидан бошқа ҳарактеристикаларни кайд этувчи белгилар маъносида хам қўлланади [2;10]. Улар: бол. (болалар нутқига оид), маҳс. (касб-хунарга оид), поэт. (поэтизма, поэзияга оид), кт. (китобий сўз), с.т. (сўзлашув тилига оид), фольк. (фольклорга оид), х.-к. (хотин-қизлар нутқига оид), шв. (шевага оид), эск. (эскирган сўз), ҳақр. (ҳақорат сўзи).

Жилмаймок – кулимсирамок – табасум килмок – кулмок – қах-қахламок даражаланиш каторида ҳаракатнинг кучлилигига кўра градацияни кўриш мумкин. Даражаланиш каторидаги сўзлардан барчаси учун умумий бўлган кулмок сўзига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (кейинги уринларда УТИЛ)да куйидагича таъриф берилган:

Кулмок 1 Юз, күз харакатлари ёки турлича товуш (товушлар) билан хурсандлигини, завқ-шавқини ифодаламок, кулги ифодаламок [3;495].

Даражаланиш луғатида ҳар бир лексеманинг изохи билан бирга уларнинг ёшга кўра хосланиши, кўлланиш доираси чегараланганлиги (эскирган сўз, тарихий сўз), фольклорга оид, қайси услугба мансублиги, сўз туркуми каби белгилари ифодаланиши луғат мукаммаллигини таъминлайди. Уларни қуидагича шартли белгилаш мумкин: бол. (болалар нутқига оид); кат. (кattалар нутқига оид), эск. (эскирган сўз), тар. (тарихга оид), хақр. (хақорат сўзи), фольк. (фольклорга оид), с.у. (сўзлашув услугуб), п.у. (публицистик услугуб), б.у. (бадиий услугуб), р.у. (расмий услугуб), и.у. (илмий услугуб); о. (от), сиф. (сифат), с. (сон), олм. (олмош), рав. (равиш), тақл. (тақлид), фл. (феъл), мод. (модал), унд. (ундов).

Таъкидлаш жоизки, грамматик характеристикани қайд этувчи белги зарур холлардагина берилади. Кулмок лексемаси феъл, китоб, гўзал, келмок сўзларининг от, сифат, феълга оид эканлиги ҳеч қандай белгисиз ҳам маълум. Шунинг учун бу сўздан сўнг фл., от, сфт. белгисини қўйиш шарт эмас.

“Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши луғати” (кейинги ўринларда ЎТСДЛ) да келтирилган маслаҳат – кенгаш – машварат даражаланиш қаторини олайлик. Бу ерда ифода белгисининг кучига кўра даражаланиши қатори кузатиляпти. Бу лексемалар ЎТИЛда қуидагича берилган:

Маслаҳат 1 Бирор ишни қандай қилиш ёки умуман нима килиш кераклиги хакида йўл-йўрик тарзидаги фикр, мулоҳаза [3;640].

Кенгаш 1 Бирор иш, ҳаракат юзасидан фикр-мулоҳаза, йўл-йўрик, маслаҳат [3;408].

Машварат \а. – кенгаш, кўрсатма; йўл-йўрик эск. кт. Кенгаш, маслаҳатлашиш

[2;652].

Юқорида келтирилган даражаланиш қаторидаги лексемалардан машварат сўзига (а. – араб тилига мансуб сўз) шартли кискартма белгиси, услугбий белги, яъни, эск. (эскирган сўз), кт. (китобий сўз) белгилари қўйилган. Маслаҳат сўзига (а. – араб тилига мансуб сўз) шартли кискартма белгиси қўйилган. Кенгаш сўзига эса ҳеч қандай белги қўйилмаган.

Луғатлар учун ҳаволалардан ҳавола этувчи к. (каранг), айн. (айнан) ҳам услугбий белгилар қаторига киради. Илм-фан соҳаларига оид сўзларда шу соҳани билдирувчи кискартмаси қўйилди: мат. (математика), тлш. (тилшунослик), иқт. (иктисодиёт) ва б. Даражаланиш луғати учун ҳам ушбу услугбий белгилардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Грамматик характеристикани қайд этувчи белги зарур ҳоллардагина берилади. Қуидаги ҳолларда эса, маҳсус кискартма (кискартмалар) билан грамматик характеристика берилди:

1) бош сўз ўзи мансуб бўлган (асосий) сўз туркумидан бошқа туркумга оид маънога ҳам эга бўлса, қайси маъноси (ёки маънолари) билан қайси сўз туркумига оидлиги қайд этилди. Мисол:

Иссиқ 1 от Жисм таркибидағи молекулалар ҳаракати (ёниш, кимёвий реакция ва ш. к.) натижасида юзага келадиган кинетик энергия; иссиқлик, ҳарорат. Оловнинг иссиғи. Күёшнинг иссиғи...

З сфт. Бирор манба ҳарорати билан исиган, қизиган, ҳароратли. Иссиқ ҳаво. Иссиқ кум; [2;652] каби.

Қип-қизил 1 Қизил с. куч. Қип-қизил олма...

2 рвш. с.т. Турган-битгани; бутунлай, ғирт. Қип-қизил тухмат. Қип-қизил масти.

Яхшилаб 1 Яхшиламоқ фл. рвдш. Шароитни яхшилаб, кейин иш бошлийлик.

2 рвш. Яхши даражада, бекам-кўст, талаб даражасида. Яхшилаб курмок. Яхшилаб текширмок.

Иккинчи 1 Икки с. тртб. сон шакли. Иккинчи кават.

2 рвш. Бундан бошқа, такрор. Иккинчи айтсанг, хафа бўламан.

3) феълнинг нисбат шакллари бош сўз сифатида берилганда, биринчи навбатда, ана шу маъно ва вазифаси грамматик белги билан қайд этилди. Мисол:

Кўрсатмок 1 Кўрмок фл. орт. н. Уйини кўрсатмок.

Кўрилмок 1 Кўрмок фл. мажх. н.:

4) мустакил сўзнинг ёрдамчи (кўмакчи) сўз вазифасида кўлланиши грамматик белги билан қайд этилди. Мисол:

Келмоқ 1 [Изоҳ] Қишлоқдан келмоқ. Ишга кеч келмоқ...

Равишдошнинг-(и)бёки-а/-йшаклидаги етакчи феълга биришиб, харакатнинг бошланиш даражаси юз бериши, йўлакай бажарилиши каби маъноларни билдиради. Эртапишар гилослар қизариб келяпти. Ишдан қайтишда ўғлингни ола кел (Келмоқ феълига тузилган луғат маколасига каранг).

Даражаланиш луғати учун мустакил бўлмаган сўз туркумларига оид сўзларнинг ҳаммасига грамматик характеристика берилди. Мас, ундов сўзлар учун унд. с., таклид сўзлар учун такл. с, модал сўзлар учун мод. с. белгиси қўйилди. Ёрдамчи сўзлардан: боғловчи учун боғл., кўмакчи учун кўм., юклама учун юкл. белгиси қўйилди.

Изоҳли луғатлар белгилар тизимининг мавжудлиги луғат фойдаланувчиларида сўзлик маколаларини тўғри англаш, луғатдан тўғри фойдаланиш кўнижмасини шакллантиради. Умумий изоҳли луғатлар билан бир каторда маҳсус лингвистик луғатларда ҳам бу тамойилга амал килинади. Ўкув изоҳли луғатларнинг асосий хусусияти бу фойдаланувчининг ёш бўлганлиги боис танланаштган белгилар тизими тушунарли ва содда тузилган бўлиши лозим.

Градуонимик қатор синонимик қатор сингарни очиқ парадигма ҳисобланади.

Бу парадигма янги сўз (аъзо)ни қабул килиши ёки чиқариб юбориши мумкин. Даражаланишга бағишлиланган луғатлардан гувоҳ бўлиш мумкинки, бу сўзлар битта тизимда, каторда бирлашади. Ўкув изоҳли луғатда градуонимик қаторларни шакллантириш ва уларга изоҳ бериш ҳамда иллюстрацияларни танлаш муҳим масала ҳисобланади. Даражаланиш ўкув луғатида градуонимик қаторни шакллантириш, изоҳ бериш қуйидаги тамойиллар асосида амалига оширилади:

1. Градуонимик қатор аъзоларининг маъновий ўсиши.

2. Градуонимик қатор аъзоларининг маъновий камайиши.

3. Градуонимик қатор аъзоларининг бўёғига кўра ўсиши.

4. Градуонимик қатор аъзоларининг бўёғига кўра камайиши.

5. Градуонимик қатор аъзоларининг таркибига кўра турлари.

6. Градуонимик қатор аъзоларининг морфологик хусусиятлари.

Ўзбек тили сўзларининг даражаланиши бўйича ўкув луғатини тузишда, аввало, танланаштган градуонимик қаторларнинг ўзига хос хусусиятларини тасниф килиш мақсадга мувофиқ. Таснифлар градуонимик қаторларнинг маъносига кўра ўсиши ёки камайиши ва бўёғига кўра ҳам ўсиши ёки камайиши каби иккита катта гурухларга ажралади. Ўкув изоҳли луғатда белгилар тизими учун дастлаб бу гурухлар асос сифатида танлаб олинди. Бу гурухлар учун маъновий ва услубий сўзларини қабул килиш ўринли ва қисқартирилган шакли сифатида “м.ў.”, “м.к.”, “у.ў”, “у.к.” белгилари тавсия этилади. Кейинги боскич градуонимик қатор аъзоларининг умумий денотатив маъноси келтирилади. Умумий семема келтирилганидан сўнг, ҳар бир аъзонинг маъноси келтирилади. Сўнгги боскич градуонимик қатор аъзоларининг иллюстратив мисолларни келтириш бўлади.

Луғатларда белгилар тизимини шаклантириш орқали луғатнинг кўлланилиш даражаси ҳамда талаби ошишига хизмат қиласи. Услубий ёки ҳавола қилувчи турли ишоралар, белгилар луғатдан фойдаланишда қулайликни таъминлайди. Белгилар тизими такрорларни ва луғат ҳажмини сунъий ошишининг олдини оловчи мухим восита ҳисобланади. Яратилган услубий белгилар мукаммал бўлмаслиги табиий ҳодиса, чунки тилда мукаммал ҳодисанинг ўзини учратиш мумкин эмас. Шу сабабли, даражаланиш ўқув луғати учун танланган белгилар тизимини таклиф сифатида киритишни маъкул деб ҳисоблаймиз.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Морковкин В.В. О базовом лексикографическом знании // Учебники и словари в системе средств обучения русскому языку как иностранному. – Москва: Наука, 1986. – 110 с.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 808 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 2 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 782 б.

